


# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

4/2012



NAVOIY  
BUKHARA  
SAMARKAND  
THE GREAT SILK ROUTE



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Таълим тизимида  
ижтимоий-гуманитар фанлар**

Илмий-методологик ва илмий-услубий **Йилига 4 марта**  
журнал. 2002 йилда ташкил топган **Чоп этилади**

**№4 2012**

**Социально-гуманитарные  
науки в системе образования**

Научно – методологический и научно – **Издается**  
методический журнал. Основан в 2002 году **4 раза в год**

**№4 2012**

**Social sciences and the  
Humanities in the system of education**

**№4 2012**

Scientific, methodological and methodical **published quarterly**  
Journal. Established in 2002

Тошкент – 2012

Шерқўзиёва Н.А. Бозор муҳитини яратини.	164
Матъякубова П.М., Кулуев Р. Маҳсулот истеъмоли, фойдалилиги ва сифати.	167
Умарходжаева М., Абдиев Б. Қ. Корхонанинг рақобатбардошлик даражасини ошириш.	170

### МУРАББИЙ ВА ТАЛАБА

Тўхтаева Н.Н. Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш.	173
Хасанова З. Бўлажак ўқитувчида миллий дунёқарашни ривожлантириш.	176
Фармонов Ў. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш.	179
Норбекова Б., Ибрагимова З. Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш.	181
Рўзибаева Ч.Д. Миллий ғоя - маънавият негизи.	183

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Файзуллаев Б., Усмонов Н. Фозил шоир дostonлари тили ўрганилган тадқиқот.	186
Мусаев Ф. Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти.	188

качество товара. Под оценкой качества продукции понимают совокупность операций по выбору номенклатуры показателей качества оцениваемой продукции, определению значений этих показателей и сопоставлению их с базовыми.

При оценке качества применяются единичные, комплексные и интегральные показатели качества. Единичные показатели качества характеризуют одно свойство продукции (например, время высыхания краски и др.). Комплексный показатель качества характеризует несколько свойств продукции (например, качество одежды зависит от вида материалов, конструкции, соответствия направлению моды др.). Интегральный показатель качества отражает отношение суммарного полезного эффекта от эксплуатации и потребления единицы продукции в течение определенного времени к суммарным затратам на ее создание и обеспечение ее использования в течение того же времени.

Уровень качества продукции — относительная характеристика качества продукции, основанная на сравнении значений показателей качества оцениваемой продукции с базовыми значениями. Такая характеристика качества используется на всех этапах жизненного цикла продукции, (проектирование, производство, эксплуатация или потребление). Достоверность оценки уровня качества продукции зависит от правильности (обоснованности) выбора базового образца. На основе технико-экономической информации выбирается аналоговая группа продукции, в которую включаются лучшие образцы отечественной и зарубежной продукции, реализуемой на внешнем рынке и пользующейся устойчивым спросом. Обязательным условием выбора является сопоставимость показателей описываемой продукции и базового образца.

#### Литература

1. Басовский Л.Е., Протасьев И.Б. Управление качеством. —М.: ИНФРА-М, 2001-2002.
2. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Учебное пособие. —Т.: Fan va texnologiya, 2005.
3. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Джаббаров Р.Р., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш. Основы стандартизации, метрологии, сертификации и управления качеством. Учебное пособие. —Т.: НИИСМС, 2007.

Умарходжаева М., Абдиев Б. К., ТДИУ

#### Корхонанинг рақобатбардошлик даражасини ошириш

В статье рассказывается о повышении уровня конкурентоспособности предприятия.

\*\*\*

This article is about the increasing of the level of competitive ability of the enterprise.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ривожланишида, рақобатбардошликни таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бевосита истикболни ривожлантиришнинг асосий негизини ташкил этади. Демак, корхоналар рақобатбардошлигини бошқаришда, атроф-муҳит ўзгаришларига мослашувчанлигига, маркетинг комплекси доирасидаги рақобатли устунликларига, иқтисодий фаолият натижаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда корхоналарнинг, асосий турларига қуйдагилар киради; бозор конъюнктураси ўзгаришига техника ва таъкилий характерли янгиликлар киритишга, ижтимоий-сиёсий шароитларга мослашувларнинг стратегик мақсадлари белгиланади. Ушбу мақсадлар бозор сегментларини сақлаб қолиш ва янги сегментларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация этиш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, чиқарилаётган маҳсулотнинг устунликларини ва уни бозор томон харакатлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилади. Улар янги ғоя ва технологияларни амалга ошириш, янги материал турларини ўзлаштириш, маҳсулот дизайни ва конструкциясини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш корxonанинг ишлаб чиқариш тузилмаларини қайта қуриш ва кадрлар билан таъминлаш зарурати билан боғлиқ саналади.

Мослашувнинг стратегик мақсадлари унинг хар бир тури учун белгиланади. Биринчи турдаги стратегик мақсадлар эгалланган бозор сегментларини сақлаб қолиш ва сегментларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, чиқарилаётган маҳсулотнинг устунликларини ва уни бозор томон харакатлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Иккинчи турдаги стратегик мақсадлар қаторига қуйдагилар киради: янги ғоя ва технологияларни амалга ошириш, янги материал турларини ўзлаштириш, маҳсулот дизайни ва конструкциясини такомиллаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш корxonанинг ташкилий, кадрлар ва ишлаб чиқариш тузилмаларини қайта қуриш зарурати билан боғлиқ саналади. Бу орада Республикамизда бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, бунинг натижасида барча қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари 2006 йилдан бошлаб бевосита Вазирлар Маҳкамасига бўйсинадган бўлди. Ушбу корхоналарнинг “Ўзбекмашҳолдин” бирлашмаси тасарруфида бўлиши оқибатида ишлаб чиқариш ва кадрлар тузилмасидаги мослашувчанлик жараёнларининг самарали бўлишига олиб келди.

Шу жиҳатдан ҳам корxonанинг бозор таъсирига мослашувида истеъмолчиларни, рақобатчиларни, ташқи сотув шароитларини ўрганиш ва кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Булар иқтисодий диагностика, рентабеллик таҳлили, маҳсулот қийматини баҳолаш, молиявий

заҳираларни ўрганиш ва қарор қабул қилиш, корхона стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш кабилардир.

Бунинг натижасида корхонанинг рақобат устунликларига эришишда лойиҳалаштириш, маркетинг имкониятларидан мохирона фойдаланиш, сотувни рағбатлантиришни уюштира олиш, хомашё, энергия ва бутловчи қисмларнинг очиқлиги, кичик ҳаражатлар талаб қилинадиган ишлаб чиқариш имкониятлари, илмий-техник тижорат ҳамкорлигида ривожланган тизимнинг мавжудлигини таъминлаш корхонанинг рақобатли устунликларини ривожлантиради. Бу эса муайян бир ҳолатдаги йўналишга эга бўлган бир томонлама баҳоратдан фойдаланиш ҳавфидан қочиб қилишга имкон беради ва менежерларнинг ўз тақлифларини аниқ ифодаланиш рағбатлантиради. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, республика ҳукумати томонидан корхона ва ташкилотларда халқаро стандартлар талаблари асосида сифатни бошқариш тизимлари жорий этишда йўналтирилган аниқ ишлар олиб борилади. Республикада Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги 349-сонли «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тўғрисида»ги ва 2006 йил 29 августдаги 183-сонли «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнида 173-сонли «Республика корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун эришилган рақобатбардорлик даражасига мувофиқ корхонанинг ривожланиш стратегиялари ва мақсадларини шакллантириш ва уларга тузатиш киритиш имкониятининг асосини амалга ошириш ушбу фаолият соҳасида бошқарув қарорларини самарали амалга оширишга ҳизмат қиладиган ўзаро боғлиқлик, зарурий ташкилий, иқтисодий ва техник-технологик чора-тадбирларни аниқ этирайдиган дастурий-мақсадли комплексли блоklar ташкил қилинадиган, рақобатбардорликни бошқаришни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий- иқтисодий механизмига эга бўлган корхона рақобатбардорлигини бошқаришнинг комплексли концепцияси тақлиф этилади.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Булок мақсад йўлидан оғишмайлик. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Тожибоева Д., Хўжаев Н., Авалова Г. Иқтисодий педагогика. –Т.: 2008.